O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 13 июнь, шанба • № 46 (11.029) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Японияниг "Номура Секьюритиз, Ко." компанияси раиси Масаши Судзукини қабул қилди.

Ўзбекистондаги кўплаб йирик саноат корхоналари ва бошқа иншоотларни барпо этишда Япония сармоясининг ҳиссаси тобора юксалиб бораётгани ҳамда бундан келаётган самара ортаётгани сабаб, кунчиқар мамлакат ишбилармон доираларининг юртимизга қизиқиши кучаймоқда. "Номура Секьюритиз, Ко." вакилларининг мамлакатимизга ташрифи ҳам ана шу анъананинг узвий давомидир.

— Ўйлайманки, бу қадар нуфузли делегациянинг мамлакатимизга ташриф буюриши ўзаро муносабатларни янада равнақ топтириш учун янги имкониятлар очади, — деди учрашувда Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, мазкур делегациянинг Ўзбекистонга келишдан кўзлаган мақсадлари анчагина. Қўшма иқтисодий тадқиқотлар ўтказишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш, хорижий сармоя жалб қилиш, хусусийлаштириш ва халқаро қимматли қоғозлар бозорида операциялар ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш шулар сирасига киради. Бундан ташқари, компания Тошкент ҳамда Навоий ГРЭСларини таъмирлаш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, айрим шаҳарлар атрофига айлана йўллар қуриш, темир йўлларни электрлаштириш лойиҳаларида иштирок этишни ҳам режалаштирмоқда.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида икки томонлама амалий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабулда Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси К. Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ ВА СТИПЕНДИЯЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-навонинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1998 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1100 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 2100 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 1100 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич разряд — ойига 1100 сўм;

болаликдан ногирон бўлганларга бериладиган нафақа ойига 2100 сўм миқдорида;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 1275 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1998 йил 1 июлдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва профессионал-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

3. 1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларнинг барча турлари ўрта ҳисобда 1,6 бараварга оширилсин. Турли йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш мақсадида, 1991 йил 1 январга қадар тайинланган пенсияларнинг барча турлари миқдори ўрта ҳисобда 1,7 бараварга, 1991 йилдан бошлаб тайинланган пенсиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,5 бараварига оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кунлик муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда пенсияларнинг барча турларининг оширилган аниқ миқдорларини белгиласин.

4. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга етгунича парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1998 йил 1 июлдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим окладлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва пенсия фонди ҳисобидан қопласин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатини камайтириш ҳисобидан 1998 йил 1 июлдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ амалга оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги УП-1755 рақамли Фармони, 8-моддасидан ташқари, ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 июнь.

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Қуйичирчиқ тумани пилла режасини 90 тонна қилиб белгилаган эди.

— Биз ана шу режадаги ҳосилнинг салкам олтидан бир қисмини топширишимиз керак, — деб айтишди берунийлик пиллакорлар, — бунинг учун ҳар биримиз ишни пухта ташкил этишимиз талаб қилинади.

Шундай қилинди ҳам. Ўз навбатида жамоа хўжалиги маъмурияти пиллакорларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Айниқса, баргни ўз вақтида етказиб берилиши диққат эътиборда бўлди. Шунинг учун ҳам хўжалик пиллакорлари режадаги 12 тонна ўрнига ҳозиргача 14 тоннадан ошириб кумуш тола топширдилар. "Гулистон" жамоа хўжалиги пиллакорлари эса режаларини сал кам 130 фоизга етказдилар. Ирмоқлардан дарёлар пайдо бўлди. Қуйичирчиқ тумани пиллакорлари ҳам шу кунга қадар хирмонга 95 тоннадан ошириб кумуш тола уйдилар. Режани анча ортиғи билан бажардилар.

Айни кунларда ҳам туманда пилла тайёрлаш сусайтирилмаяпти.

— Ҳаммаси 70 килограмм бўлди, — деди торозубон, — роса меҳнат қилибсизда Турсуной опа, бир қутидан олдим дейсизми, қойил-э!

Чиноз туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги пиллакори Турсуной Аҳмонова ҳақиқатан ҳам қаттиқ ишлади. Оромидан кечди, тунларни бедор ўтказди. Фарзандларига ҳам тинчлик бермади. Энди шунга яраша рағбат кўрсам, ҳаққимни ўз вақтида олсам бўлгани, дейди.

Абдужалол РАҲИМОВ суратга олган.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

САЛОМАТЛИК АВТОПОЕЗДИ ҲАРАКАТДА

Халқаро "Экосан" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими атроф муҳитни яхшилаш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Куни кеча жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган "Экосан" автопоезди Бекобод шаҳрида бўлди.

Унинг таркибида республика болалар бош жарроҳи, профессор Н. Эргашев, тиббиёт фанлари номзоди Г. Рашидова ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг қатор тажрибали профессор ва ўқитувчилари бор эди. Ҳакимлар гуруҳи 170 нафар беморларни кўрикдан ўтказдилар.

Лозим деб топилган беморларга даволаниш учун республика клиникаларига йўлланмалар берилди. Бу клиник шифохоналарда даволаниши керак бўлган беморлар "Экосан" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими томонидан бепул доридармонлар билан таъминланадилар.

Дилбар ВОҲИДОВА.

ТУШУМИ 86 МИЛЛИОН СЎМ БЎЛДИ

Республика кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлими учун жорий йилнинг ўтган беш ойи анча самарали бўлди. Шу даврда давлат ҳамда корхона-хўжаликлар мулкини сотиш юзасидан 39 та савдо уюштирилди.

Бундай тадбирлар давомида кўплаб иншоотлар ва мулклар сотилди. Масалан, кўчмас мулк объектларидан 96 тасига харидор чиқди. Бундан ташқари, 81 та автотранспорт воситалари, 17 та қурилиши тугатилмаган бинолар ўз эгаларини топди. Айни вақтда ўттиз бешта уй-жойлар ҳам сотилди.

Шу даврда ҳаммаси бўлиб 259 та кўчмас мулк объектлари хусусий ва шахсий мулкка айланди. Бундан тушадиган маблағ миқдори 86 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

Собир ҲАМИДОВ.

ДАВРА СУҲБАТИ МАКТАБДА ЎТДИ

Яқинда Кавардон қишлоғида жойлашган 3-ўрта мактабда "Дин ва виждон эркинлиги" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Камолот" ёшлар жамғармалари туман бўлимлари биргаликда ўтказишди.

Анжуманда туман хотин-қизлари қўмитаси раиси, ҳоким муовини Муборак Мирсалимова, Янгибозор жоме масжидининг имом-хатиби Сирожиддин Камолхон ўғли, "Оқовул" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайриддин Абдужабборовлар сўзга чиқишиб "Дин ва виждон эркинлиги", "Ислом динининг моҳияти", "Ёшлар, ислом ва дин" мавзуларида ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқишиб ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Латифжон МАНСУРОВ, Юқоричирчиқ тумани.

ИККИ ТУМАНДА — БИР МАВЗУДА

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Оила йилига бағишланган турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай йиғилишлардан бири Оққўрғон туманида ўтказилган "Энг намунали оила" кўрик-танловидир.

Танлов ҳайъати эътиборига тавсия этилган 20 нафар оиладан ибратли деб топилган 5 нафари аъзолари якунловчи босқичда иштирок этдилар. Беллашувда "Қаҳрамон" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан Қурбонбой Турсунбоев бошчилик қилаётган оила ғолиб деб топилди, ҳамда вилоят танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танлов иштирокчилари ва ғолиб оилалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Бу кўрик-танловга "Мурод" хусусий фирмасининг бошлиғи Йўлдош Дўлонов ҳомийлик қилди.

Шунингдек, яқинда Бекобод шаҳри ҳудудида жойлашган "Ўратепа" божхона масканида ҳам оила йилига бағишланган учрашув ўтказилди.

Унда шаҳарда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ва ошириладиган ишлар ҳақида сўз борди.

Малика ТУРДИБОЕВА.

БИРДИР ЭЛИМИЗНИНГ ОТАШ КАЛОМИ

Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг ҳар бир учрашувида бош мавзу алоҳида ажралиб туради. Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остона шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи саммитда эса минтақамиз келажаги ва хавфсизлигига масъуллик руҳи асосий ўринга кўтарилди. Учрашувга бу руҳни Президентимиз Ислом Каримов олиб кирди.

Муносабат

Минтақамиз жанубида бошланиб кетган ядровий қуролланиш пойгаси, диний экстремизмнинг тарқалиш хавфи, Орол денгизи фожиаси — Марказий Осиё давлатларининг ўзаро интеграцияси жараёнларини яна кучайтиришни тақозо қилмоқда. Мавжуд муаммоларни умумлаштириб, Президентимиз жумладан шундай дедилар: "Минтақамиздагина эмас, чегараларимиз яқинида мавжуд бўлган муайян ҳолат ва юз бераётган воқеалар ривожи ҳам кун сайин бутун дунёдаги энг йирик давлатлар эътиборини кўпроқ тортаётган минтақамиз давлатларида интеграцион жараённи янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади". Давлатимиз раҳбари мазкур муаммоларни учинчи минг йилликда барча давлатларни бирдек ташвишга солиши керак бўлган энг йирик масалалар сифатида қайд этдилар.

Маълумки 1993 йил Тошкентда Марказий Осиё ҳамдўстлигига асос солинган эди. Ҳамдўстликни самарали ва барқарор ишлаши учун Давлатлараро кенгаш тузилган, умумий дастурларни рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Айниқса, пойтахтимиз Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари томонидан имзоланган мамлакатларимиз ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақидаги Шартнома муносабатларимизни моҳият-эътибори жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида Марказий Осиё ва бошқа туркий тилли давлатлар ҳали ҳамкорлигимизнинг имкониятларини тўла юзага чиқаришга эришса олмаётганликларини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Марказий Осиё давлатларининг жўғрофий ўрни тўғридан-тўғри дунё океанларига чиқиш имконини бермайди. Шу боис минтақа давлатлари олдида муҳим ва мураккаб — транспорт-коммуникацион масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Айни пайтда минтақамизни Европа порт-лари билан боғлайдиган Транскавказ йўлини барпо этиш жадал давом этмоқда. Хитойнинг Тинч океани соҳилларига олиб чиқувчи Тошкент — Андижон — Ўш — Иркиштом трассаси қурилиши ҳам юқори суръатда бормоқда. Бу икки йўлни бир-бири билан туташиши таъбир жоиз бўлса қитъалар белбоғи юртимиз белига боғланади, деган гап.

Йўлбошчимиз Остонада ана шу хусусда ва Марказий Осиёнинг янги транспорт коммуникациялар тармоғини вуждга келтиришдаги саъй-ҳаракатларини Европа Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватлаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Қайд этиб ўтилган мавжуд муаммолар билан бирга иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий натижалари ҳам борки, минтақамиздаги тараққиётнинг истиқболи айни соҳадаги муваффақиятларимизни мустаҳкамлашни тақозо қилмоқда. Айни пайтда Марказий Осиё ҳамкорлиги доирасида йирик халқаро консорциумлар тузиш, қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ҳамда барча мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилувчи ҳаётий аҳамиятга эга дастурларни амалга ошириш қизғин паллага кирди.

Туркий тилли мамлакатлар раҳбарларининг саммити, имзоланаётган ҳужжатлар ва умуман ўртадаги мавжуд қалин ҳамкорлик айрим хорижлик кузатувчилар назарида ва фаразида этник иттифоқ бўлиб туюлмоқда. Амалда эса гап тарихий ришталари бир бўлган халқларнинг иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга интилиши ҳақида кетаяпти, холос. Давлатларимизнинг ўзаро яқинлашувидан ҳеч қандай сиёсий мақсадлар кўзлангани йўқ. Ушбу масалалар устида сўз юритиб Президентимиз қуйидаги фикрга алоҳида урғу бердилар: "Туркий тилли давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг табиий ва фаол бир қисми бўлиб, уларнинг эшиги тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бошқа барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш учун очиқ эканини алоҳида қайд этишни истардим".

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий муносабатлар билан бир қаторда маданий ва маънавий алоқалар ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Аждодларимиз қолдирган улкан маънавий меросни истифода этиш ва ундан биргаликда баҳраманд бўлиб, шу орқали томирлари ягона халқлар эканлигимизни янада чуқурроқ англашга бўлган интилиш истиқлол йилларида кучайди, табиий тус олди. Айниқса турли юбилейлар ва тадбирларни биргаликда ўтказиш халқларимиз учун яхши анъанага айланиб бормоқда. Халқимиз фахри бўлган буюк соҳибқирон Амир Темур юбилейига туркий тилли давлатлар бошлиқлари ташриф буюриб, улуғ жаҳонгир ҳайкали пойига ҳурмат бажо қилишгани бунга ёрқин мисолдир. Ўзбекистонда ўтган Қозоғистон кунлари, Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон кунлари, шунингдек яқинда юртимизда катта муваффақият билан ўтган Қирғизистон маданияти кунлари халқларимиз ва маданиятларимизни янада жипслаштирди.

Йўлбошчимиз Марказий Осиё ва умуман туркий тилли халқларнинг интеграциясига XXI асрдаги тараққиёт йўлимизни белгиловчи омиллардан бири деб, таъриф берган эдилар. Давлатлар ва халқларнинг куч ғайратларини бирлаштириш — биринчидан минтақамизни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ривожланиш имкониятини берса, иккинчидан, хавфсизлик ва барқарорлик иқлимини вуждга келтиради.

Жалолиддин САФОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, 1998 йил 12 июнь куни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-, 24- ва 45-моддаларига мувофиқ, 1942 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ангрен шаҳар ҳокими Ҳамидулла Асатовни 151-Бинокор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1998 йил 13 июнь № 46 (11.029)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

"ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БИЗНЕС ҚИЛИНГ"

Юқоричирчиқ туманидаги "Ийк ота" хўжалиги маданият саройида бўлиб ўтган вилоят семинар-кенгаши ана шундай номланди

Уни Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, хорижий сармоялар бўйича агентлик ҳамкорликда ташкил этдилар. Унда вилоят ҳокимлиги бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, хусусийлаштириш, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва объектларни ҳисобга олиш бўлимлари бошлиқлари, шунингдек халқаро банклар, чет эл мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари, компаниялари вакиллари, хорижий тадбиркорлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокимининг муовини И. Асадов анжуман қатнашчиларини табриклаб сўзлаган кириш нутқида, жумладан, шундай деди:

— Саноатни ривожланган янги мамлакатлар — Жанубий Корея, Таиланд, Сингапур, Гонконг мамлакатларининг оёққа туриши ва ривожланишининг жаҳон тажрибаси шундай далолат берадики, бундай жараёнлар чет эл сармоясидан фойдаланишнинг самарали механизмини шакллантириш асосида фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишдагина муваффақиятли бориши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан самарали фойдаланишга интилмоқда, чет эллик тадбиркорлар учун қулай инвестиция шароитларини яратиб бермоқда.

Ислоҳот — тажриба — ташаббус

Амалга оширилаётган ислоҳотларимиз янада самаралироқ бўлиши учун чет эл инвестицияларини дадиллик билан жалб қилишимиз, ишлаб чиқаришга янги техника ва замонавий технологияни жадал жорий қилишимиз лозим.

Республикамизда чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида қабул қилинган "Чет эл инвестициялари тўғрисидаги" ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги янги қонунлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари вилоят ҳокимлиги ахборот-таълим гуруҳи раҳбари Ж. Файзиевнинг "Тошкент вилоятини иқтисодий ривожлантириш имкониятлари ва чет эл сармояларини жалб қилиш истиқболлари" мавзуидаги маърузасини қизиқиш билан тингладилар. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи А. Раҳмонбердиев ўз нуқтида вилоят агросаноат мажмуига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази вилоят бўлимининг бошлиғи М. Саидбоев акционерлик жамиятларининг сармоя ресурслари ва уларни жойлаштириш шартлари ҳақида сўзлади.

Италиянинг "Фата-Груп" — компаниясининг МДХ мамлакатлари бўйича вакили Микеле Тринченнинг ўз нутқини Тошкент вилояти ҳокимлиги билан вилоят анросаноат мажмуини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжаллаб икки ўртада тузилган контрактнинг амалга оширилиши қандай бораётганлигига бағишлади. У бунинг учун вилоятда қулай имкониятлар яратиб берилганлигини алоҳида таъкидлади.

Келесдаги Ўзбекистон-Туркия "Акйил интернейшнл ЛТД" қўшма корхонасининг бош директори Нажот Койунжу корхона 1996 йилда тузилганлиги, шундан бери бир маромда ишлаб, ҳар йили кўплаб маҳсулотларини истеъмол бозорига етказиб бераётганлиги ҳақида гапирди. Келгусида корхонани янада кенгайтириш мўлжалланмоқда. Янги технология ва замонавий техника воситаларини жорий этиш билан бошқа турдаги ювиш воситаларини тайёрлаш ўзлаштирилади. Бунинг учун биз чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик қилишни истар эдик, деди у.

Европа реконструкция ва ривожлантириш банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Каваниши ҳам сўзга чиқиб, банкнинг Республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишига қўшаётган хиссаси, шу мақсадда ажратилаётган маблағлардан фойдаланишнинг аҳволи ҳақида тўхталди.

Йиғилиш иштирокчилари маданият саройида қўшма, хусусий корхоналар, ишлаб чиқараётган турли-туман саноат маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар ва чет эллик фирмалар билан бирга ташкил этилган "Тўйтепа-Кабул-текстил", "Медиз" қўшма корхоналари жамоаларининг фаолиятлари билан танишдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



● *"Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, хорижий сармоялар бўйича агентлик ҳамкорликда ташкил этдилар. Унда вилоят ҳокимлиги бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, хусусийлаштириш, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва объектларни ҳисобга олиш бўлимлари бошлиқлари, шунингдек халқаро банклар, чет эл мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари, компаниялари вакиллари, хорижий тадбиркорлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.*

Вилоят ҳокимининг муовини И. Асадов анжуман қатнашчиларини табриклаб сўзлаган кириш нутқида, жумладан, шундай деди:

— Саноатни ривожланган янги мамлакатлар — Жанубий Корея, Таиланд, Сингапур, Гонконг мамлакатларининг оёққа туриши ва ривожланишининг жаҳон тажрибаси шундай далолат берадики, бундай жараёнлар чет эл сармоясидан фойдаланишнинг самарали механизмини шакллантириш асосида фаол инвести-"

Мирсобир МИРҲАМИДОВ. "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Суратда: Р. Юнусов ва А. Нурматовлар К—60 жиҳозлари тизими ишини назорат қилмоқдалар.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.

Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

НОЁБ МАНБА ТОПИЛДИ

Ҳадис илмининг султони Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан ҳазрат ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш, асарларини тарғиб қилиш борасидаги ишлар кенг миқёсда давом этмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан ташкил этилган "Имом Ал-Бухорий" халқаро хайрия жамғармаси бу ишларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратаётганлиги ўз самарасини бераётир. Яқинда Кўшработ туманидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий қаламига мансуб ҳадисшуносликка оид ноёб китоб топилганлиги ана шу саъй-ҳаракат маҳсули дейиш мумкин.

Маълумотларга қараганда, мазкур нодир асар "Саҳиҳи Бухорий"нинг ўзига хос такрорланмас намунаси экан. У тахминан икки юз йил олдин Қоҳирада кўчирилиб олиб келинган. Китоб жилди чарм билан қопланган. Хонадон соҳибининг таъкидлашича, мўътабар манба унинг бобосининг бобосига Бухородаги диний мадрасада намунали ўқигани учун мукофот сифатида тақдим этилган экан. Айни пайтда мутахассислар бу тўпламни катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Истиқлол одимлари

МУСТАҚИЛЛИК ҚИШЛОҒИМИЗГА НИМА БЕРДИ?

Мустақиллик меваларини бера бошлади. Бугун ҳамма бунёдкорлик ва яратувчанлик билан банд. Кимдир ер олиб деҳқончилик қиляпти, кимдир хусусий корхона очиб элга ҳам, ўзига ҳам фойда келтиряпти.

Буни исботлаш учун узоққа бориб ўтирмай Оҳангарон туманидаги мўъжазгина Соғлом қишлоғимиздан мисол келтирай. Остона ҳатлаб кўчага чиқишим билан соҳибкор қўшнимиз Мурод акани учратаман. У боғ оралаб юрган бўлади. Саломимиз доимгидай қуюқ. У шаҳар янгиликларини, мен боғ юмушларини суриштираман. Суҳбатдошим узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилиб пенсияга чиққан. Аммо уйда бекор ўтирмай, "Ангрен" хўжалигидаги бир неча гектар олмазорни ижарага олди. Боққа ўз мулкидай қарайди. Шундай бўлиши табиий-да. Чунки, мева қанча мўл бўлса, шунча кўп даромад олади. Соҳибкор меҳнатининг самарасидан қишлоқ аҳли ҳам баҳраманд.

Бироз юрсангиз, қуёшдан нур эмиб бошоқ чиқараётган ям-яшил ғаллазорга кўзингиз тушади. Бу экинзорни эллик йил колхозда бригадирлик қилган Тошпўлат бобонинг ўғли Шарофиддин парваришлаяпти.

— Кузда "Скифянка" навли буғдой уруғини экканди, — дейди ёш ғаллакор. — Ҳозир учинчи марта озиқлантиряпмиз. Ҳисоб-китобларга кўра, гектар бошига 25 центнердан ҳосил кўтарсак, харажатлар қопланади.

Хўжалик билан шартнома асосида ишлаётган Шарофиддин Эсанбеков хўжалик хирмонига 21 тонна дон топшириши керак. Режадан ортиғи эса ўзиники. Шу боис ерни алдаш, дангасалик қилиш деган гаплар йўқ. Уруғдан, ўғитдан, охирида ҳосилдан ариб, ғирромлик қиладиган даврлар ўтиб кетди. Ҳосил эса мўлжалдагидан ҳам анча мўл бўлиши кўриниб турибди.

Қишлоғимизнинг этакроғида яна бир маҳалладошимиз бор. Кўзибой фермер дейишади уни. Колхозда кўп йил ишлаганидан хабарим бор. Аммо ҳеч косаси оқармаганди. Мамлакатимизда фермерлар ҳаракати бошланганида биринчилардан бўлиб хўжалик фермасини ихтиёрига олди. Мулкдор бўлди. Айтишича, эндиликда қандай ва қанча маҳсулот етиштиришни, кимга ва қанчадан сотишни ўзи мустақил белгилайди. "Илгарилари ҳеч шундай бўлганмиди? Бир қўшчига минг бошчи, фойдасидан зарари кўп бўларди" дейди Кўзибой ака.

Жўра бобонинг кенжаси Хайрулла ҳам тузуккина тадбиркор чиқди. Эркин замондан фойдаланиб маҳалланинг қоқ ўртасига дўкон қурди. Шу билан қишлоғимиздаги магазинлар сони иккитага етди. Рақобат пайдо бўлди. Ҳозир одамлар уларнинг қайсинисида маҳсулот сероб ва арзон бўлса, ўшанисига боради. Энг асосийси, арзимаган гугурт ёки туз учун шаҳарга тушишга ҳожат йўқ. Хайрулла келгусида дўкон ёнига шинамгина чойхона, сартарошхона қурмоқчи.

Қишлоқ мактаби мустақиллик туфайли янги бинога кўчди. Болалар шинам синф хоналарида ўқияпти. Кенг ва ёруғ спорт зали, ошхона улар хизматида. Маматали ака Умиров раҳбарлигидаги педагогик жамоа таълим-тарбияни "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур"га мувофиқ ташкил этишга интиляпти. Ҳусусан, янги ўқув йилида ҳам олти ёшли болалардан алоҳида синф ташкил этилади. Тўғри-да, ўқишга лаёқатли ва қобилиятли болаларни уйда сақлаб ўтиришдан нима фойда? Болаларимиз эпласа бир йилда икки синфни тугатиши, муддатидан аввал олий ўқув юртининг талабаси бўлиши мумкин.

Албатта, қишлоғимизда ҳали ҳамма иш ҳам осон кечаётгани йўқ. Эзгу режалар кўп, энг муҳими шуки, эмин-эркин меҳнат қилиш, савобли ишларга бош қўшиш учун барча эшиклар очиқ.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

ИНСОН АЗИЗ, ИНСОН МУҚАДДАС

"Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устивор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт".

Ислом КАРИМОВ.

ДУНЁНИНГ деярли барча мамлакатларида фуқароларнинг эркинлиги ва ҳуқуқини белгилайдиган қонунлар мавжудлигини ва улар мазкур давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутишини яхши биламиз. Аммо Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси жаҳон аҳлининг том маънодаги "виждони"га айланган тарихий ҳужжат сифатида обрў қозонганлигини бугун дунё тан олмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб берган ана шу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинганига 50 йил тўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари" мавзусида миллий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, республика прокуратураси, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази ва БМТнинг Ўзбекистондаги ривожланиш дастури, шунингдек БМТнинг халқаро экспертлари ҳамкорлигида ўтказилган бу анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари А. Қосимов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили П. Симкин, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази раҳбари А. Саидовлар кириш сўзи билан очдилар.

Ушбу Декларация инсониятнинг тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Унда ишлаб чиқилган қоида ва ҳулосалар, тамойиллар моҳияти ва мазмунига кўра мукаммал ишланган ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодасидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси — Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин ратификация қилган биринчи халқаро ҳужжат сифатида тарихда қолади. "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари" мавзусида маъруза қилган Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов бу ҳақда алоҳида тўхталди ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида республикамизда ишлаб чиқилаётган қонунларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича сўз юритди.

Жамият ва ҳуқуқ

Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Эргашев, Бирлашган миллатлар Ташкилоти экспертлари Трой Салваратнам, Яҳё ал-Жамолларнинг республикада прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти, Конституциявий суднинг бу борадаги аҳамиятига доир таҳлилий маърузалари ҳам анжуман иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. Шу боисдан маърузалар юзасидан бўлган муҳокама ва мунозаралар иштирокчиларнинг фаоллигида ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Олий Мажлисининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов жумладан шундай деди:

— Айтиш мумкинки, бу халқаро тарихий ҳужжатда минг йилларнинг орзуси ва ўйлари акс этган. Қаерда туғилиб, қаерда яшашидан қатъий назар, дунёнинг жамики алломалари, ёзувчи ва шоирлари асрлар оша фақат бир нарсани қуйлаганлар: дунёга эркин келган инсон эркин яшасин! Биз ҳалқимизга ана шундай озодлик неъматини берган мустақил жамиятнинг бахтли фуқароларимиз. Мустақиллик бизга энг улуғ ҳуқуқлардан бири — Ватан туйғусини берди, озодлик берди, ўз тилимизда гапириш ҳуқуқини берди. Албатта, ҳозирча инсон ҳуқуқлари масаласида бутунлай олдинга чиқиб олдик, деб айта олмаймиз. Бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Бизнинг янада катта ва ёруғ йўлга чиқишимизда бугунгидай анжуманларнинг роли катта. Нафақат суд ва прокуратура ходимлари, балки, маънавият соҳаси намоёндалари — ёзувчи ва шоирлар ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича олиб борилаётган ишларда фаол бўлишлари, миллий қадриятларимизни, шарқона урф-одатларимизни тиклаш ва халқимиз онгига чуқурроқ сингдиришда таянч бўлишлари лозим.

Муҳокамада шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Нур Фароғат ва бошқалар иштирок этдилар.

Анжуман ишида Адвокатлар ва судялар Ассоциацияси, республика ички ишлар Вазирлиги Академияси, хорижий элчихоналар, халқаро ташкилотлар, жамоатчилик тишкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Зарифа ЭРАЛИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЭЛ РИЗҚИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

ҲАР йили вилоятимизда мўл-ҳосил етиштириш ва баракали хирмон уйиш ишига вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айниқса, бу муассаса хизматчилари пайҳонга қарши кураш, ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш, етиштирилган ҳосилни неснобуд қилмай давлат омборларига етказиб беришни таъминлаш, турли талон-тарожларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида катта саъй-ҳаракат кўрсатишяпти.

Ўрим-йиғим арафасида махсус мухбиримиз ИИБнинг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи Убайдулла АБДУЛЛАЕВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Убайдулла Абдуллаевич, масъулиятли мавсум арафасида турибмиз. Яна бир неча кунлардан кейин ғаллазорларда ўрим-йиғим авж олиб кетади. Етиштирилган ҳосилни неснобуд қилмай йиғиб олиш ҳар биримизнинг ишимизга айланган. Бу борада ҳар йили сизларнинг мададингиз катта бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб бошқармангиз ходимларининг бу йилги иштироки ҳақида гапириб берсангиз.

— Тўғри айтдингиз, вилоятимиздаги қатор ташкилотлар, муассасалар сингари вилоят ички ишлар бошқармаси, унинг таркибидаги бизнинг бошқармамиз ходимлари ҳам мавсумда ҳамиша ғаллакорлар билан ёнма-ёнлар. Бу бежиз эмас. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан ёш давлатимиз пойдеворининг мустаҳкам таянчи, рўзғоримиз кут-баракаси бўлган ғалла етиштиришга жиддий эътибор бердилар. Ғалла мустақиллигига эришиш мамлакат миқёсидаги сиёсатга айланди. Шундан буён мўл ва баракали ҳосил яратиш, унинг бир мисқолини ҳам увол қилмай, талон-тарожга йўл қўймай омборларга етказиб олиш ишидан биз ҳам четда эмасмиз. Хусусан, юртбошимизнинг "Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги 1994 йил фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларни пайҳон қилишга қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларини бажариш йўлида имкон қадар ўз бурчимизни адо этяпмиз.

Туман ва хўжаликларда ғаллазорларни асраш, пайҳон бўлишининг олдини олиш мақсадида жамоат тартибини сақлаш ходимларидан иборат кузатувчилар тайинланди. Махсус пунктлар очилди. Бу иш билан шуғулланаётган милиция ходимларига отлар ажратилди, фуқароларга ана шу ҳужжатлар мазмуни, моҳияти кенг тушунтирилди, аҳоли ўртасида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилди. Лекин шунга қарамай, айрим кишилар ўз чорва молларининг эл бойлигини пайҳон қилишига бепарво бўлмоқдалар. Огоҳлантиришлар уларга кор қилмаяпти. Ана шундай кишиларга нисбатан қонун талаблари асосида жиддий чоралар кўришга мажбур бўлмоқдамиз.

Албатта, аниқланган барча ҳолатларни бирма-бир санашга ҳожат бўлмаса керак, улардан айримларига тўхталаман. 1998 йилнинг ўзида майдонларни қўриқлашга қўйилган ходимлар томонидан 74 та пайҳон ҳолати аниқланди. Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги "Ийкота" ширкат хўжалигининг "Ёшлик" кўчасида истиқомат қилувчи Фарида Тожиевага тегишли бўлган қорамол шу хўжаликнинг буғдойзорини пайҳон қилганлиги учун етказилган зарар қайд қилиниб, мол эгасидан 3600 сўм жарима ундирилди. Оққўрғон туманининг "Қаҳрамон" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Нигора Солиева, шу туманнинг Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигида яшовчи Тошпўлат Аҳмедов, Пскент туманидаги Дўстбоев ширкат хўжалиги аъзоси Нодира Орипованинг қорамоллари ҳам ғалла майдонларини пайҳон қилганлиги учун улар етказилган зарар миқдорини тўладилар.

Жарималар хусусида гап борар экан, мени бошқа бир нарса жуда-жуда ачинтиради. Жарима ўз йўли билан. Лекин номлари зикр этилган юқоридаги ва эл ризқ-рўзига лоқайд қараган бошқа фуқароларнинг виждонлари, диёнатлари қаёқда қолди. Наҳотки, улар ўз бепарволиклари билан бебаҳо насибамизни молга топтатсалар, бу нонкўрликнинг ўзи-ку!

Кўпинча, пайҳон устида моллари ушланган кишилар судда, муҳокама чоғида қарордан бехабар эканликлари ҳақида гапириб қоладилар. Бу, албатта, ўша жойлардаги фуқаролар йиғинлари, хўжаликлар раҳбарларининг бевосита айби деб ўйлайман. Чунки, ҳужжат мазмунини икки йилдан буён аҳолига етказиш, унинг ижросини таъминлаш бу раҳбарларнинг бурчи эди. Бундан буён ана шу масалаларга жиддий эътибор бериш керак бўлади.

— Ички ишлар бошқармаси ходимлари ўрим-йиғим олдидан хўжаликларда техника тахтлигини текширувдан ўтказишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Вилоятда ана шу тайёргарлик қай даражадалиги хусусида нималар дея оласиз?

— Республика Ички Ишлар Вазирлигининг фармойишига биноан ҳар йилгидек бу йил ҳам вилоятда мавсумга техника тайёргарлиги текширувдан ўтказилди. Бунда давлат автомобиль назорати, қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси, вилоят "Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" бошқармаси ва яна қатор ташкилотлар ходимлари билан биргаликда бизнинг ходимларимиз ҳам иштирок этдилар. Текширув гуруҳи зиммасига жойларда ўрим комбайнлари, ғалла ташишга мўлжалланган транспорт воситаларининг аҳволини аниқлаш вазифаси юкланган эди.

Бу текширувлар жойларда аҳвол анча ночорлигини кўрсатди. Масалан, Бўка туманида текширилган 54 та дон ўрувчи комбайнлардан 15 таси, Бекобод туманида 57 комбайндан 17 таси, Чиноз туманида 39 та комбайндан 9 таси, Бўстонлиқ туманида 32 тадан 14 таси, Пскент туманида 44 тадан 12 таси техник жиҳатдан мавсумга тайёр эмаслиги маълум бўлди. Вилоят бўйича бу кўрсаткич 161 тани ташкил этади.

Текширув гуруҳи ғалла ташишга ажратилган 1308 та транспорт воситаларидан 266 таси ёки 20,3 фоизини техник носоз деб топди. Улардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди. Айниқса, Бекобод, Янгийўл, Чиноз, Пскент, Оҳангарон туманларида дон ташийдиган машиналарнинг анчагинаси мавсумга яроқсиз. Кўплаб хўжаликларда техникани таъмирлашга етарли эътибор берилмаган. Аккумулятор, ремень, трубокомпрессорлар, бирламчи ўт ўчириш воситалари етишмаслиги маълум бўлди. Албатта, бу ачинарли ҳол. Чунки, далалардаги ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун барча техника воситалари шай, эҳтиёт қисмлар етарли бўлиши керак. Туманлар ҳокимлари, ғаллачиликка мутасадди ташкилотлар, ўрим-йиғимга саноқли кунлар қолганлигини ҳисобга олиб, бу камчиликларни тезда бартараф этишлари зарур.

— Мавсумда гоҳо ҳосилни талон-тарож қилиш ҳоллари ҳам рўй беради, уларга қарши кураш қандай ташкил этилмоқда?

— Ростдан ҳам орамизда ризқ-рўзимизга чанг солишдан ҳазар қилмайдиган кишилар учраб туради. Улар ўз қилмишларини биров кўрмайди ёки сезмайди, деб ўйласалар керак. Йўқ янглишадилар. Қинғир ишнинг қийиғи ахир чиқади. Масалан, ўтган йили Қуйичирчиқ туманининг "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи С. Саидазимов ҳамда Т. Соатхўжаевлар фуқаролар А. Бойдадаев ва М. Ўрозовлар билан тил бириктириб 32 минг сўмлик 2 тонна буғдойни ўзлаштириб юборишган. Уларнинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Майда ўғриликка қўл урган қатор кимсалар ҳам ўз жазоларини олдилар. Бу йил ана шундай нуқсонларга йўл қўймаслик мақсадида ғалла майдонларида 142 та доимий, 91 та ҳаракатдаги постлар тузилиб, уларга 900 нафар милиция ходими биркитилди. Назоратчилар бевосита буғдойзорлар, ғалла пунктлари, дон омборларида хизмат бурчларини бажарадилар. Биз ҳосилни ёнғиндан сақлаш ишларига ҳам алоҳида эътиборни кучайтирдик. Ҳуллас, бутун ҳаракатимиз бор ғаллани кўз қорачиғидай асраб, давлат омборларига етказиб олишга қаратилган. Йўлайманки, бунда вилоят ички ишлар ходимларининг муносиб ҳиссаси бўлади.

Суҳбатдош: Саидвали ҲАСАНОВ.

● *Юқоричирчиқ туманининг "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида ғаллазорларни пайҳондан, талон-тарож ҳолатларидан муҳофаза этиш яхши йўлга қўйилган. Бу ишда милиция лейтенанти, участка вакили Вали Атамқулов ҳамиша фаоллик кўрсатиб келмоқда.*

Суратда: Вали Атамқулов.

Галла — 98

БЕКОБОДДАН ХАБАРЛАР

Шаҳар маҳалларида туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Биргина "Бекобод", М. Турғунбоева номли маҳаллаларда 800 нафар аёл шифокорлар назоратида бўлишди. "Оила" йилида оналар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбир бошқа маҳалла ҳудудларида ҳам давом эттирилмоқда.

* * *

Саноат техникумида "Ёшлар ва ҳуқуқий тарбия" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Учрашувни техникум директори муовини Р. Ҳусанов қисқача кириш сўзи билан очди. Ёшлар ва уларнинг ҳуқуқий тарбияси, диний экстремизм, фундаментализм, хотин-қизлар муаммолари мавзуларида шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар кенгаши раиси Г. Ҳошимова, шаҳар судьяси Ш. Тожибоев, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази шаҳар бўлими раҳбари А. Боймуродовларнинг қизиқарли суҳбатлари кўпчиликка манзур бўлди.

* * *

Тиббиёт билим юртида маънавият ва маърифатга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тарихимиз ва миллий қадриятларимизга оид қизиқарли мунозарада шаҳар ҳокими муовини А. Исматов, кимё фанлари номзоди, кекса педагог И. Валибеков қатнашиб, талабаларнинг саволларига атрофлича жавоб беришди.

Абдумурод АШУРОВ, Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ГИЁҲВАНДЛИК — БАШАРИЯТ УЧУН ХАВФ, ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ТАҲДИД

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг наркобизнесга қарши кураш муаммоларига бағишланган махсус сессияси давом этмоқда. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирок этаётир. Хўш, наркотик моддалар нима учун бу қадар юксак даражадаги йиғилишга сабаб бўлаяпти? Қуйида биз шу саволга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Гапни оғунинг ўзидан бошласак. Одатда гиёҳванд модда даставвал шунчаки қизиқиш, кайфу сафо, маишат учун тотиб кўрилади. Аммо кўп ўтмай, у инсонни ўзига ипсиз боғлайди. Бора-бора киши уни истеъмол қилмаса туролмайдиган, хуморини босиш учун ҳар қандай ишдан, ҳатто жиноятдан ҳам бош тортмайдиган бўлиб қолади. Натижада жиноятчилик, турли касалликлар, шахсий турмуш ва ижтимоий ҳаётда беқарорлик авж олади. Ҳаёти наркотикка боғланиб қолган одам дунёга хушёр кўз билан қарашга, воқеаларни англашга, уларга муносабат билдиришга ожизланади. Бошқача айтганда, жамиятдаги ўрнини йўқотади.

Оғу инсонни қанчалар тубанлаштиришга олиб келишини кўрсатувчи қуйидаги бир мисолни келтиришнинг ўзи кифоя: яқинда Европа мамлакатларидан бирида тиббий жиҳозларнинг гигиеник озодалигига муносабат хусусида ёшлар ўртасида сўров ўтказилди. Шунда гиёҳвандликка мубтало бўлган бир ўсмир: "Қандай ўлим топишнинг нима фарқи бор, касаллик юқтирибми ё бошқа сабабми — менга барибир, чунки ажалим яқин қолган", дея жавоб қилди. Ваҳоланки, у ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тузукроқ тотиб улгурмаган, ўзбекона айтганда ҳали "ўн гулидан бир гули очилмаган" ўспирин.

Ҳозирги кунда дунёда ҳаётдан совиган, оғудан бошқани ўйламайдиган, тушкунликка тушиб, шунчаки ажалини кутиб ётган ана шундай одамлар кам эмас. Мудҳиш томони шундаки, гиёҳвандларнинг аксар қисми ёшлардир. Балога мубтало бўлганларнинг сони эса камайиш ўрнига кундан-кун ортиб бораётир. Бу жараённинг олди олинмаса, инсоният эртанги кунни маънан тубанлашган кишилар, жиноятчилар, қоларверса, майиб-мажруҳ болалар кўпайган ҳолда қарши олиши мумкин. Бас шундай экан, ҳозирданоқ муаммонинг олдини олишга жиддий киришмоқ керак. Албатта, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, муаммо тобора жиддий тус ола бошлагани, уни халқаро ҳужжатлар билан бартараф этиш чоралари тўсиқларга учраётгани кураш кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган осонроқ. Шу боис миллатлар ҳамжамияти Бош Ассамблеясининг июнь сессиясини ўтказишга қарор қилинди.

Маълумки, бутун дунёда етиштириладиган гиёҳванд "хомашё"нинг қирқ фоизи қўшни Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмита маълумотларида Марказий Осиёдаги айрим қўшниларимиз ҳудудида ҳам қорадори етиштирилиши қайд этилган. Афғонистонда тайёрланган оғу Европа ва бошқа манзилларга асосан Марказий Осиё орқали ташилиши ва минтақадаги нотинчликлар буни осонлаштириши ҳисобга олинса, Ўзбекистон учун наркотик моддалар контрабандаси билан кураш нақадар долзарб вазифа эканини англаш қийин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти наркотик моддалар контрабандасига қарши кескин чора-тадбирлар кўраётгани ва бу жараён ижчил давом этаётгани диққатга сазовор. Чегарачилар, божхона ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари қатъият ва матонат билан бу иллатга қарши курашмоқда. Кураш натижаси кўп куттирмади: оғуфурушлар юртимизни "ноқулай ҳудуд", деб, четлаб ўта бошлади. Шуниси аёнки, Ўзбекистонда наркобизнесга, гиёҳвандлик ёйилишига қарши монеълик қила оладиган мустаҳкам тўсиқ бор. Бироқ, бу муаммонинг бир қисми бартараф этилди, дегани холос. Қўшни юртларда ва умуман дунёда бу иллат жиловланмас экан, хотиржамликка ўрин йўқ, албатта.

Афсуски, кўплаб давлатларда наркотик моддаларни етиштириш, истеъмол қилиш ва сотишга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар кўнгилдагидек эмас. Масалан, Африкадаги ўнга яқин давлат наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмита доирасида қабул қилинган ҳужжатларга қўшилмаган. Айрим мамлакатлар эса мазкур ҳужжатлардаги меёрларга тўла риоя этмайди. Қитъанинг баъзи мамлакатларидаги портлар, транспорт коммуникацияларида наркотик ва психотроп моддалар ташилишига қарши қатъий тўсиқ йўқ. Африка каннабиси ва Осиёдан келаётган героин Европа ва Америкага ташилмоқда. Қитъада каннабис етиштириш бўйича энг юқори ўринлардан бирини эгаллаган Марокашда 1996 йили 38,5 тонна каннабис ва 65 тонна каннабис муми мусодара қилинган. Ўша йили мамлакатда наркотик моддаларининг ноқонуний савдоси билан боғлиқ 16 мингта жиноий иш кўриб чиқилган. Шу рақамларнинг ўзиёқ Африкадаги аҳвол нечоғли аянчли эканини кўрсатади.

Америка қитъасидаги аҳволни ҳам қоникарли, деб бўлмайди. Кариб денгизи ҳавзасининг ўзида 1996 йили 141 тонна каннабис мусодара этилган. Қитъа жанубида кўплаб миқдорда кокаин етиштирилади. Қатор давлатлар бу борада минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани, муаммонинг олдини олиш мақсадида миллий дастурлар қабул қилаётгани қувонарли, албатта. Лекин, умумий натижа кутилганидек бўлмаяпти. Масалан, Мексикада 1996 йили каннабис экилган 22 минг гектардан ортиқ майдон фош этилди, 1000 тоннадан зиёд каннабис мусодара қилинди. Аммо бу мамлакатдан АҚШ ва Канадага ташилаётган оғу камайгани йўқ. Шу ўринда маълумот учун ўша йилиёқ биргина АҚШда 10 миллиондан ортиқ одам каннабис истеъмол қилганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Осиёда асосан қорадори ва ёввойи каннабис етиштирилиб, героин тайёрланади. Бутун дунёда етиштириладиган оғунинг 40 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келиши юқорида айтиб ўтилган эди. Афсуски, кўп йиллик уруш ва беқарорлик бу мамлакатда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарилишида кўл келмоқда. 1997 йилда мамлакатда аввалги йилга нисбатан 25 фоиз кўп "ҳосил" етиштирилди. Ачинарлиси шундаки, собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим минтақаларда ҳам оғу етиштирилади. 1996 йилда Арманистонда 100 тонна, Грузияда 900 тонна каннабис йўқ қилинди.

Европа эса ҳамон наркотик моддаларнинг асосий бозори бўлиб қолмоқда. Бу қитъада халқаро ҳужжатларга қўшилмаган биргина давлат Албаниядир. Халқаро қўмита бу мамлакатни ҳужжатларни имзолашга даъват қилди. Умуман, қитъа миқёсида олинганда, каннабис энг кўп Голландияда етиштирилиши аниқланган. Шунингдек, 1996 йилда Россияда 3500 гектар, Украинада 4500 гектар майдонга каннабис экилгани аниқланди. Ўша йили Европада мусодара этилган оғу миқдори 410 тоннани ташкил этди.

Наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмита ҳисоботига асосланиб, дунёдаги вазиятни янада аниқроқ баён қилиш, кўпроқ давлатларнинг номини қайд этиш ва кўпроқ рақам келтириш мумкин эди. Биз бунга кўл урмадик. Зеро, юқорида келтирилган маълумотларнинг ўзиёқ муайян тасаввур ҳосил қилиш учун кифоя қилади. Асл мақсад — кишиларимизни оғунинг нақадар кенг тарқалгани ва ундан келиши мумкин бўлган балою хавф-хатардан қисқача огоҳ этиш. Онгли одам хулосани чиқариб олаверади ва БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясига нима учун бу қадар урғу берилганини тезда англаб етади. Сессиянинг мазмун-моҳияти қандай бўлишидан, унинг қандай кечиши ва қандай натижалар билан тугашидан қатъий назар, одамлар муаммони ич-ичидан, теран англамас, унинг мудҳиш оқибатларини бир лаҳзага кўз олдига келтирмас экан, дунёвий кураш чегараланган қолиплар ичида қолиб кетаверади. Ўткинчи ҳузурнинг фожеасини фақат соғлом жамиятгина англаши мумкин. Бузилган жамиятдан буни кутиш ортиқча. Чунки, бузилган жамият уни англаб етган тақдирда ҳам муаммога қарши кураша олмайди. Негаки, жиноятчилар, майиб-мажруҳлар кўпайган, ҳар-хил бузуқиликлар авж олган жамиятнинг у билан жиддий курашишга қурби етмайди. Бунинг сабабларини келтириб ўтириш ортиқча. Шунинг учун биргина оддий сабабни қайд этамиз: кеч бўлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

➡ ПЕКИН. ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига биноан, Италия президенти Оскар Луиджи Скалфаро олти кунлик давлат ташрифи билан Хитойга келди.

Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, 9 июнь куни Ц. Цзэмин билан О. Луиджи ўртасида Хитой-Италия муносабатларини янада ривожлантиришга бағишланган музокаралар бўлиб ўтди.

Ташриф давомида Италия Президенти Хитойнинг Сиан ва Шанхай шаҳарларида бўлади.

* * *

➡ ПРАГА. Чехия Республикасининг жанубида жойлашган Ческ-Будеевица номли йирик шаҳар устида мамлакат ҳаво қуролли кучларига қарашли иккита МИГ—21 русумли қирувчи самолёт тўқнашиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳар икки самолёт учувчилари катапулта орқали жон сақлаб қолишга улгурган. Жанговар техника қолдиқлари шаҳар кварталларидан бирига қулаб тушган ва атрофдаги бир неча хонадонга шикаст етказган.

Ҳозирча фуқаролар орасида қурбон бўлганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

* * *

➡ ВАРШАВА. Болтиқ денгизининг Польша ҳудудига яқин соҳилларида "Балтопс—98" деб номланган бир неча босқичли ҳарбий-денгиз халқаро машғулотлари бошланди. Унда 13 мамлакатдан келган 42 та кема қатнашмоқда.

АҚШ адмирали Уилям Капеланднинг таъкидлашича, бу тадбирни ўтказишдан мақсад Болтиқ денгизи ҳавзасида хавфсизликни таъминлашдан иборат.

* * *

➡ РАБОТ. 9 июнь куни Нигерия қуролли кучлари штаби бошлиғи генерал-лейтенант Абдусалом Абу Бакр мамлакат президенти этиб тайинланди.

Абу Бакр 1993 йилдан буён Нигерияга раҳбарлик қилиб келаётган 54 ёшли генерал Сани Абача юрак хасталиги туфайли вафот этганидан кейин мамлакат раҳбари лавозимига ўтирди.

(ЎзА).

ДУШАНБА, 15

ЎзТВ-I

Профилактика муносабати билан 15 июнь куни ЎзТВ-I кўрсатувлари соат 6.30дан 15.40гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳрли най». Мультфильм.
18.20 «Фан — тараққиёт негизи».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 Ўзбекистон бастакорлари. Т.Хўжамбердиев.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Истиқлол маликалари».
21.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 12-кўй.
22.00 «Одамлар орасида».
22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 Экранда — премьера. «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 Эгиз қўшиқлар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Бангкок — «Хилтон». Телесериал.
21.55 «Бурч ва масъулият».
22.10 Мусиқий лаҳзалар.
22.20 «Юрган дарё».
22.40 «Даракчи» (рус тилида).
22.50 Экранда — мелодрама. «Икки киши қўплик қилади». 1-серия.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.

*

23.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оила». Тележурнал.
10.25 «Жаҳон спорти».
10.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Бойчечак». Қисқа метражли бадиий фильм.
11.10 «Оҳанга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
11.40 «Фермер». Телетанлов.
12.05 Ўсмирлар учун «Ўйла, изла, топ».
12.50 Мусиқий саёҳат.
13.10 Кундузги сеанс. «Чолиқуши». Етти қисмли бадиий фильм». 1-қисм.
14.10—15.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.

* * *

17.25 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.30 — 20.40

*

20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 «Галия Измайлова рақсга тушади». Фильм-концерт.
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.35.

*

22.35 Эълонлар.
22.40 Роберт де Ниро «Зўр йигитлар» фильмида. 1-қисм.
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Жаҳон».
20.55, 22.20 — Эълонлар
21.00 «Морена Клара» Телесериал.
21.45 «Ҳаёт карвони».
22.00 «Абадий дўстлик ришталари».
22.25 Кинематограф. «Уран сайёраси йўлдоши». Бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 16

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қалбим наволари». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Математика.

*

12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Жараён». Тележурнал.
12.55 Кино янгиликлари.
13.05 «Чолиқуши». Етти қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
14.10 — 15.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». 1.Қизилқумнинг олтин тонги». 2. «Тупроғинг бебаҳо Ватан».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
18.20 «Юксалиш».
18.35 «Таллинур юрак». Мусиқий дастур.
19.00 «Нефть заводининг яшил белбоғи».
19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Саҳна ҳаёти».
21.30 «Акс-садо».
22.05 Бир жуфт қўшиқ.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15 Футбол. Ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги. Саралаш учрашуви.
01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.10 «Болливудга нигоҳ».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 «Бангкок — «Хилтон». Телесериал(охирги серия).
21.55 «Даракчи».
22.05 Спорт-китъаси.
22.35 «Кундалик».
22.45 Экранда — мелодрама. «Икки киши қўплик қилади». 2-серия.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.

* * *

23.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00.
17.20—20.40.

*

20.40 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Севги Одиссеяси». Бадиий фильм.
23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Спорт-лотто».
20.45 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.00, 22.25 — Эълонлар.
21.05 «Морена Клара». Телесериал.
21.50 «Автосалтанат».
22.00 «Дурдаршан».
22.30 «Нафосат гулшани».
23.00 «Олтин ҳазина». «Афандининг беш хотини» (2-қисм).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 18

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилраба садолар».
9.00 «Илм ўзликни билмакдир». 9.15 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телевизион бадиий фильм. 7-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Хўжалик ва ҳуқуқ».
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Она тили.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун!

Физика.

*

12.05 «Қувноқлар даврасида».
12.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.45 Кундузги сеанс. «Ёнар тоғ хазинаси». Бадиий фильм.
14.10 «Олов дамини даф этиб».
14.30 — 14.50 «Маърифат маскани».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жиноятга жазо муқаррар». 1-кўрсатув.
21.30 Опера санъати юлдузлари. М.Раззоқова.
22.00 «Сомон йўли».

Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси.

22.40 «Ахборот».
23.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Жажки давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида»(рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 «Мумтоз наволар».
21.25 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
21.45 «Мусиқа теграсида».
22.00 «Даракчи»(рус тилида).
22.10 Оилавий экран. «Оқ кема».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00.
17.20 — 20.40

*

20.40 «Мангуликка дахлдор». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35.
21.35 Эълонлар.
21.40 Экранда — комедия. «Полиция академияси».
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «02» тўлқинида».
20.50 «7 дан 70 гача».
21.05, 22.15 — Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.55 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.20 «Киносалон».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 19

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Рақс оламида». М.Турғунбоева номидаги рақсосалар танлови якуни.
9.25 «Юзма-юз».
9.45 «Бокира туйғулар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
11.30 «Жиноятга жазо муқаррар». 1-кўрсатув.
12.05 «Халқ ижодиёти».
12.25 «Қўёшнинг кўз ёшлари». Мультфильм.
12.35 Футбол. Ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги. Саралаш учрашувлари.
13.20 Болалар учун. «Кичкинтой» устахонаси.
13.40 «Шуҳуҳ».
14.00 — 14.30 «Халқ ижодиёти».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Мультолам.
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Қалб ғавҳари».
19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жиноятга жазо муқаррар». 2-кўрсатув.
21.30 Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Эстрада қўшиқлари телетанлови». Экранда — Самарқанд вилояти.
22.40 «Ахборот».
23.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
00.40 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 14-кўй.
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Йирик планда».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.15 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
22.00 «Енмаган ёзувлар».
22.25 «Даракчи».
22.35 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
23.15 Бокс. Бокс. Бокс.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша». Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00.
17.20 — 20.40.
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35
21.35 Эълонлар.

*

21.40 Оскар совриндорлари: «Даҳшатли ҳақиқат» (1937 йил). Бадиий фильм.
23.30 — 23.50 «Ахборот» (рус тилида).

Ўз ТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Футбол. XVI жаҳон чемпионати.
20.35 «Дурдаршан».
20.55, 22.10 — Эълонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериал.
21.45 «Бегойим».
22.15 «Кинематограф». «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
23.35 Араб эстарадаси.
23.55 — 24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 20

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Шоҳрўх» клуби.

«Ёшлар» телеканали.

9.30 1. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
2. «Орзулар қанотида».
3. «Талабалар саҳнасида».
4. «Бой бўлишни истайсизми?».
5. «Ёшлар қуйлаганда».

* * *

11.30 «Сурат ва сийрат».
11.55 «Туркий қавмлар».
12.10 «Катта танаффус». Телеўйин.
12.45 «Жиноятга жазо муқаррар». 2-кўрсатув.
13.15 «Узбекистон — Ватаним маним». Экранда Ўзбекистон Республикаси ИИВ бадиий жамоалари.
13.45 «Болаларга бахшида умр».
14.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
15.10 — 15.40 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Шоирлар — болаларга. С.Барноев.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
21.50 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».

«Тунги ёғду» дам олиш дастури

00.15 ЎзТВ экранида биринчи марта ўзбек тилида. «Чолиқуши». Етти қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Қўлингни бер Арслон». Бадиий фильм.
9.25 «Спорт қитъаси».
9.55 «Меҳр қолур».
10.15 «Лавжой». Телесериал.
11.05 «Дубляж».
11.20 ТВ ва Театр.
11.40 Болалар экрани.
13.05 «Жозиба».
13.20 «Франция-98».
14.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.05 «Ғазал соғинчи».
15.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.10 Бокс, Бокс, Бокс.
16.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.45 «Ёрилтош». Мульттўплам.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Дилбарим».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «бизнес академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас».
21.45«Ҳонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.15 «Кинонигоҳ».
23.40 Оҳанглар ва Эълонлар.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

РЖТ
17.40 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 «Умр дафтари». Ғ. Расулов.
21.55 «Теле-шифокор».
22.10 — 23.30 «Камёб». Бадиий фильм (Болгария).

ЎзТВ-IV

10.00 Эълонлар.
10.05 «Шанба эртаги».
11.15—11.45 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! (Америкага бир назар кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
11.45 — 12.10 «Чинсен».

* * *

17.10 — 17.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Футбол. XVI жаҳон чемпионати.
20.35 Авторейд.
20.45 «Далил ва шарҳ».
21.00, 22.00 — Эълонлар.
21.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.05 «Киносалон».
23.35 «Хит коллекция».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 21

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЁШЛАР» телеканали
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Истеъдодлар унар боғ». Телетанлов.
3. «Оқибат».
4. «Дунё бўлди чаманим маним».

* * *

12.05 «Тасвиргa кўчган кўнгил».
12.25 Футбол. Ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги. Саралаш учрашувлари.
13.20 «Томчи».
13.35 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
14.25 «Теран томирлар».
14.45 — 15.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Оқ йўл!».
18.30 Тиббиёт ходимлари кунига. «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Ўзспортлото».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.40 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.

«Аср мўъжизаси» кинодастури.

24.00 Кино янгиликлари.
00.10 ЎзТВ экранида биринчи марта ўзбек тилида. «Чолиқуши». Етти қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 Х.Дўстмуҳаммад. «Жаҳолат». Видеофильм.
9.30 «Бизнес академия».
9.50 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.30 «Дойче Велле» тақдим этади.
10.50 «Лавжой». Телесериал.
11.40 Эстрада тароналари.
12.00 Болалар экрани.
13.30 «Франция-98».
14.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.

«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 Хорижий эстрада. «Бони Эм».
15.20 «Санта-Барбара».
16.05 «Бари ҳазил».
16.15 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бўш ўтирма».
18.35 «Синфдош».
18.55 «Нафосат».
19.05 Келгуси ҳафтада.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Кенгта — кенг дунё».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
22.00 «Қалб таронаси».
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.30 Якшанба кинозали.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 «Цирк, цирк, цирк».

*

РЖТ
16.50 — 23.05.

23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.40 «Таҳлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янги

ЯНГИ АСАРЛАР

ТУРКИЙ СУЛОЛАЛАР

ШОИР ва таржимон Олимжон Бўриевнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу шеърий лавҳалари унинг "Туркий сулолалар" эпопеясига мансуб. Унда қадим аждодларимизнинг ҳаёти ва эл-юрт тарихида қолдирган изи ҳақида ҳикоя қилинади.

ҚОРАХОНИЙЛАР САЛТАНАТИ ВА ҚАДИМИЙ ТУРК МАДАНИЯТИ

Ўтроқ суғдликлар-ла бўлиб бир қатор,
Туркий қабилалар яшашган бисёр,
Фарғона, Шош, қисман Зарафшонларда,
Қашқар воҳасида биёбонларда.
Аста-секин топиб бу халқ инкишоф,
Саккиз-тўққизинчи асрлар белоф,
Туркий қарлуқлар ва туркий ўғузлар,
Қадим маданият тарихин сўзлар.
Машхур турк олими Маҳмуд Қашғарий,
"Девони луғатит туркий" асари,
Бунинг исботидир, шаклланиб тил,
Суғдлар она тилин асроллмай яқдил,
Жисмонан йўқ бўлиб кетишмай аммо
Турклар таркибига киришган асно,
Сўнг эса бўлиниб турку тожикка,
Айланган бу халқлар икки тилликка!
Сўнг пайдо бўлишган қорахонийлар,
Улар қарши кам бўлган монеьлар,
Қарлуқлар бошлиғи диндор, мусулмон,
Сатук Абдулкарим Қорахон унвон,
Солиб қорахоний—шоҳликка асос,
Қора — сўзи улуғ даҳоликка мос,
Мазмунга эгадир қадим лисонда,
Улуғлар давлати яъни жаҳонда,
Улар сулоласин бошлаб Бўғрохон,
Мўлиённи этди ўзига макон.
Ўнинчи асрга қолиб саккиз йил,
Бухорони босди Бўғрохон дадил,
Тахтни ташлаб қочди Нўҳ Икки Мансур,
Бўғрохон бошлади кейин зўр ур-сур.
Самарқандга қараб бошлади юруш,
Валекин кўнглига сиғмади уруш.
Касалга чалиниб, юзланиб Қашқар,
Йўлда вафот этди, қолди баҳру бар.
Бундан фойдаланиб Нўҳ Икки дарҳол,
Яна Бухорони айлади ишғол.
Олдий ғуломликдан бу коинотда,
Нуфуз топиб Ғазна, мулки Ҳиротда.
Сабуктегин деган келиб бир фурсат,
Ғазнага шоҳ бўлди сўрамай рухсат —
Нўҳдан, қилмай унга итоат ҳатто
Ундан устун эди кучда мутлақо!
Оғир вазиятда қилмасдан ғурур,
Нўҳ ёрдам сўрашга бўлади мажбур.
Тўрт йил қолганида янги асрга,
Турк — Қорахонийлар солиб қасирға,
Наср ибн Али бош этиб зуғум,
Бухоро шаҳрига қилишди ҳужум.
Нўҳга бериш учун урушда ёрдам,
Сабуктегин йўлга отланди шу дам.
Ғазна хукмдори ортли бир наъра,
Лашкари алади ошди ўн карра!
Балху Чағониён, Журжон, Хутталон,
Ҳокимлари бўлиб тобеьи фармон,
Қўшунлари ила қўшилди унга,
Сабуктегин мисли шоҳи фархунда,
Кешга келиб тикиб шоҳона чодир,
Олам юбортирди Нўҳга баҳолиб,
Келиб қўшилгин деб, лашкаринг билан,
Гўё учрашгин деб, раҳбаринг билан.
Нўҳ Икки ўзини санар эди шоҳ,
Унга қаттиқ тегди бу сўзлар ногоҳ.
"Ўзинг Бухорога кел", — деб буюрди,
Сабуктегин эса шатранжин сурди,
Бухорога ташлаб беҳисоб лашкар,
Нўҳни қўлга олди бўлиб музаффар.
Қон тўкиш, урушга қилмай жидду жаҳд,
Тил топишиб тузди Наср билан аҳд.
Сирдарё воҳаси Насрга қолиб,
Сабуктегин Жайхун тарафни олиб,
Ҳам қайтиб келди ўз Хуросонига,
Самарқандни бериб Қорахонийга.
Эътиборли жойи шуки ажойиб,
Наср этди фойиқни ўзига нойиб.
Юз йил ҳукм сурди қорахонийлар,
Тўхтаб уларга зид жанги монеьлар.
Еттисув, Қашғар то мулки Бухоро,
Уларнинг измида эди дилоро.
Йил бир минг ўн олти бошланиб кураш,
Улар давлатида юз берди нураш.
Уруғчилик жанги бермай омонлик,
Иккига бўлинди сўнг катта хонлик!
Йил бир минг қирқ бирда юз бериб бу ҳол,
Хонликни иккига оширди жанжол.
Ғарбий хонлик бўлиб кўшки Бухоро,
Фарғона, Хўжакент, Қўшдарё аро
Не бўлса вилоят, қишлоғу шаҳар,
Унинг таркибига кирди муқаррар!
Шарқий хонлик кўшки Болосоғунда,
Талас, Исфижоб, Шош кириши унга.
Шунингдек бир қисми Шарқий Фарғона,
Еттисув, Қашғару Қаболиёна!
Тамғочхон Иброҳим бўлиб хукмрон,
Сурди йигирма йил у давру даврон.
Мол-дунё талашиб икки сулола,
Қараб бир-бирига доимо ола,
Қорахоний бир ён, салжуқий бир ён,
Ёр талашиб жуда кўп тўкилди қон.
Душманликка сабаб боиси кураш,
Амунинг иккита қирғоғин талаш,
Термиз ва Балх шаҳри бўлганди боис,
Охир ғазнавийлар кетиб юз фоиз,
Чекинишга этиб ғанимни мажбур,
Салжуқийлар чиқди бу курашда зўр!
Йил эди бир мингу олтмиш саккиз, ёз,
Тамғочхон Иброҳим тахтдан кечди воз,
Тахтга ўтирганда ўғли Шамсулмулк,
Оға-инилари даъво қилиб мулк,
Самарқанд, Бухоро тахтлари учун,
Мулку жоҳ кураши бошланди бутун.
Шамсулмулк саодат чироғи ёнди,
Ушбу курашларда зафар қозонди.
Шамсулмулк даврида боз қисмати талх,
Бошланди кураши Термиз ила Балх.
Бир мингу етмишдан ошганида йил,
Салжуқийлар хони этилди қатл.
Алп Арслон ўлдию кучсизланди мулк,
Термиз ва Балх шаҳрин олди Шамсулмулк!
Қўлдан-қўлга ўтиб бу икки шаҳар,
Бўлди файзи кетиб кўп зеру забар.
Тўймагай шоҳларнинг чашми ҳориси,
Тезда Алп Арслоннинг чиқиб вориси
Маликшоҳ қақшатқич зарбалар солди.
Балх ила Термизни қайтариб олди.
Сиёсий вазият олиб кескин тус,
Маликшоҳга ўтди бутун ташаббус.
Шамсулмулк риҳлати йил мингу саксон,
Давлати сўнг бўлиб торожу талон.
Орадан тўққиз йил ўтганда ногоҳ,
Бундан фойдаланиб довкур Маликшоҳ,
Қўрқмай ўтиб келиб Амударёни,
Забт этди Самарқанд ва Бухорони.
Қорахоний хони тушиб қопқонга,
Бандда жўнатилди сўнг Исфаҳонга!
Маликшоҳ Аҳмадга етказмай газанд,
Уни қайтаради шаҳри Самарқанд.
Ўз аҳдига содиқ, устувор қилиб,
Яна ўз ўрнига муносиб билиб.
Йил мингу тўқсон беш валекин Аҳмад,
Косонга юрушда чекиб кўп заҳмат,
Бўғиб ўлдирилган ёй ипи билан,
Туркий саркардалар бу ишни қилган.
Давлат манфаатин кўзлаб руҳоний,
Фатво бергач кетган сўнг қорахоний.
Келганда бошига қазойи қадар,
Қутула олмагай фарзанди башар!

Олимжон БЎРИЕВ.

Табиат ҳамиша гўзал. Айниқса, замин бағрини хушрўй ва хушбўй ёз гуллари қоплаганда... Ана шундай дамларда одам ўзини табиат қучоғига отгиси, чигирткалар чириллаб, капалаклар қувлашмачоқ ўйнаётган ложувард дала-боғларда яйраб дам олгиси келади.

Қаранг, юз-кўзидан самимият ва табассум ёғилиб турган мана бу қизча ҳам даланинг бетакрор гулларидан бир даста йиғиб, сиз азиз муштарийларга илинди... Бу гулларнинг димоғда қолгувчи ёқимли ҳидини, табиий гўзаллигини ҳис қилдингизми?! Қандай яхшиа?!.. Жаннатий ўт-ўланлар ўсгувчи, инсон руҳини яшартирувчи яшиллик ҳадя этгувчи бундай Оллоҳ сийлаган заминни севмай, гулмайсаларини кўзга суртмай бўладими!..

Равиль АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳаси.

Божхона бекати

"ТАДБИРКОР"ЛАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҳамма ҳар хил тушунар экан. Ҳамюртимиз Р.А. номли шахс ишбилармонларга ҳавас қилиб, жон қойитмай бойиб кетиш йўлини излади. Охири шундай йўлни "топди".

Бу қанақа йўл денг? У Ўзбекистонимиздан олиб чиқиб кетиш таъқиқланган электр мис ва телефон симларини четга сотмоқчи бўлди. Аммо "тадбиркор" шоҳида юрса, божхона ходимлари баргида юрар экан. Божхоначиларимиз "Мерседес-Бенс" русумли автоуловни тўхтатиб, текширдилар. Шу тариқа 6500 метр мис ва 3000 метр телефон симларини четга чиқиб кетишининг олдини олдилар. Хуллас калом, "тадбиркор" Р.А.нинг миси чиқди.

* * *

"НАВОИЙ" божхона пости ходимлари томонидан "Тошкент—Алмати" йўналиши бўйича кетаётган "Мицуби-Принцесса" русумли автоулов кўрикдан ўтказилганда, автобус юкхонасида ҳеч қандай ҳужжатсиз Қозоғистонга ноқонуний равишда олиб кетилаётган 3450 килограмм сариёғ борлиги аниқланди. Мусодара қилинган маҳсулот божхона омборига топширилди.

Мазкур иш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилаётир.

* * *

"ҒИШТКЎПРИК" божхона мажмуи ходимлари томонидан республикамиз фуқароси Алиёр Акрамов нархи 181000 сўмлик 181 дона қора-кўл терисини пиёда ҳолда айланма йўл орқали мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетмоқчи бўлгани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича божхона маъмурий-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

* * *

"ЎРАТЕПА" божхона пости ходимлари томонидан айланма йўл орқали Тожикистон Республикасидан Ўзбекистонга кириб келган "Москвич—412" русумли енгил автомашина ичида акциз маркаси бўлмаган 6500 қути 6 турдаги сигарет борлиги аниқланди.

Юк эгалари Ўзбекистон фуқаролари А. Бердиалиев 3000 қути умумий нархи 105 минг сўм бўлган сигареталарни ва Ф. Имомов 3500 қути — умумий нархи 130,5 минг сўмлик сигареталарни ноқонуний равишда республика божхона чегараси орқали олиб ўтаётганларида ушлаб қолинди.

Ботир ХУСАНБОЕВ.

FRANCE 98

XXI АСР СИЗНИКИ ЎЗБЕКИСТОН ЎҒЛОНЛАРИ

Мана мухлислар тўрт йилдан бери орзиқиб кутган улкан футбол байрами бошланди.

Анъана бўйича футбол байрамини жаҳон чемпионлари бошлаб беришади. Бу гал ҳам шундай бўлди: байрам тўрт марта жаҳон чемпиони — Бразилия футболчилари ўйини билан бошланди.

Мен сизни ўйин тафсилотлари ва натижаси билан таништирмоқчи эмасман. Ниятим — эътиборингизни бошқа айрим нарсаларга жалб этиш.

Жаҳон биринчиликларининг дастлабки ўйинлари кўпинча дуранг натижа билан тугаганинг гувоҳиман. Бу ўйинларда ҳатто ҳисоб ҳам очилмас эди. Сабаби — рақиблар биридан-бири кўрқиб, эҳтиёткорлик билан ўйнашарди. Лекин Бразилия — барибир Бразилия эканини кўрсатди: футболчилар ўйиннинг бошиданоқ фақат ҳужум билан банд бўлди. Уларнинг маҳорати, майдонда цирк артистларидек ҳаракат қилиши тўғрисида гапириб ўтирмай қўя қолай. Биринчидан ўзингиз барча нарсага гувоҳсиз, иккинчидан бу санъатга таъриф-тавсиф бериш тўғриси унча-мунча одам сингари менинг ҳам қўлимдан келмайди.

Ўйин-ўйин албатта. Унда ҳар хил вазиятлар, тасодифлар юз бериши мумкин. Бразилияликлар ҳам ўйиннинг бошидаёқ тўп уришгани билан рақиблари — шотландияликларни кичик ҳисоб билан ютди. Лекин бу — уларнинг юксак санъатига соя ташлай олмайди.

Эътиборингизни жалб этмоқчи бўлганим биринчи ҳолат — Ўзбекистон телерадиокомпанияси жаҳон чемпионатининг барча ўйинларини олиб кўрсата бошлаганидир. Бу воқеа ҳам мустақил Ўзбекистонимиз тарихидаги янгиликлардан бири — мустақиллик неъмати.

Иккинчидан чемпионатнинг биринчи кунида майдонга чиққан тўрт команда ўйинчиларининг либоси билан мухлислар қўлида силкиниб турган байроқ ранги бир хил, яъни спортчилар либоси мамлакат байроғи рангида эди. Бу ҳолга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим деб ўйлайман.

Яна бир гап. Маълумки Ўзбекистонимиз футболчилари биринчи марта мана шу чемпионат финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашда қатнашди. Юқорида айтилганидек, спорт — барибир спорт, турли-туман тасодифлар юз бериб туради.

Хуллас юртдошларимиз бу гал Парижга бора олмади.

Илгари футбол тожи учун кураш фақат Европа ва Жанубий Америка давлатлари жамоалари ўртасида бўларди. Ҳозир бу курашга Шимолий Америка, Африка, Осиё, Австралия жамоалари ҳам қўшилди. Куни кечаги мусобақада марокашлик футболчилар кўрсатган чиройли ўйин бу фикрни исботлаб турибди.

Футбол бўйича жаҳон чемпионатлари XX асрда бошланган, лекин бундан буён абадийлик касб этган ҳодиса. Демак XXI асрда у янада бошқача тус олади.

Ўзбекистонимиз XX асрнинг охирида мустақилликни қўлга киритганига қарамай қисқа вақт ичида жаҳондаги барча улкан давлатлар билан теппа-тенг "гаплаша оладиган" бўлди. Бинобарин халқимиз, юртимиз эга бўлган салоҳият спорт бўйича миллий командаларимизга ҳам хос. Демак XXI асрда Ўзбекистонимизнинг футбол бўйича миллий терма командаси ҳам жаҳоннинг манаман деган футбол мамлакатлари билан беллаша олишига шубҳа йўқ.

Бу қатъий ишончнинг боиси шундаки, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг таъсиз этилган биринчи орден "Соғлом авлод учун" деб аталади. Давлатимизда келажак авлод тарбиясига оид амалга оширилаётган ишлар қўлами нақадар кенглигидан барчамиз хабардормиз. Бунинг устига ҳукуматнинг спортни рағбатлантириш борасидаги ишлари, хусусан футболни янада ривожлантириш тўғрисида қабул қилган қарори ҳам кишига ана шундай ишонч бахш этади.

...Футболимизнинг янаги асрдаги истиқболига ишонч тўғрисида ёзяпману кўз олдимдан ўн ойлик набирам кетмайди. Унга қараб туриб ҳавас қиламан. XXI аср кишиларига ҳавас қилмай бўладими ахир!

Ким у ҳам футболчи бўлиб мамлакат терма командаси сафида жаҳон биринчиликларида иштирок этмаслиги тўғрисида гапира олади!

Майли набирам футболчи бўлар ёки бошқа иш билан шуғулланар. Бироқ Ўзбекистонимизнинг XXI асрдаги терма командасига набирам сингари қараб унга набирамга тилаган тилакларни тилайман ҳамда: "XXI аср сизники Ўзбекистон ўғлонлари" дея хитоб қиламан.

М. ХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ХАВФЛИ ИЛЛАТ

- МУТАҲАССИСЛАРНИНГ фикрига кўра, ер юзи аҳолисининг 50—60 фоизи сигарет чекар экан.
- ТАМАКИ ишлаб чиқарувчи машҳур "Филипп Моррис" компанияси 1996 йилда 6,3 миллиард доллардан кўп даромад кўрган. 1995 йилда эса бу кўрсаткич 5,5 миллиард долларни ташкил этган эди.
- АМЕРИКАДА кейинги 10 йилда сигарет ишлаб чиқариш тахминан 20—25 фоизга камайган. Чекишга қарши кураш туфайли АҚШда 20—25 фоиз чекувчилар қолди. Йирик компанияларнинг 40 фоизи чекмайдиган ходимларга эга.
- АҚШда давлатнинг тамаки компанияларидан солиқ тариқасида олаётган фойдаси йилига 10 миллиард доллардан ошмайди. Кашандалик билан боғлиқ касалликларни даволашга эса ҳар йили 5—7 миллиард доллар маблағ сарфланмоқда.
- АМЕРИКАЛИК Генри Форд ўз корхоналарида ходимларнинг бутун смена мобайнида чекишларини қатъий таъқиқлаб қўйди. 600 киши бунга норози бўлди. Улар ишдан бўшатилдилар. На касаба уюшмаси аралашуви, на иш ташлашлар билан кўркитишлар — ҳеч нарса ёрдам бермади. Форд судда: у қабул қилган қарор ходимлар саломатлигини муҳофаза этиш мақсадларига қаратилганини тўла исботлаб берди. Ушбу тадбирдан кейин корхоналарда меҳнат унумдорлиги бирданига 8 фоизга ошиб кетди.
- ШВЕЦИЯДА кашандаликка хотима бериш мақсадида ҳайрли мақсад ўртага қўйилди. Яъни: 1975 йилдан кейин туғилган авлоднинг юз фоизининг чекмаслигига эришиш. Агар омад кулиб боқса, тахминан ярим асрлар вақт ўтиб бу мамлакат тамакидан буткул ҳоли бўлади.
- ЧЕКИШНИ оғзидан узмайдиган ашаддий кашандаларни заҳарли никотиндан сақлаш мақсадида Швейцарияда ажойиб партсигар чиқарилди. Уни тилсим партсигар дейиш мумкин. Чунки унинг қопқоғи бир соат давомида бир мартагина очилади. Шу муддатдан илгари партсигарни очишга уриниш беҳуда. У синса синадию, аммо очилмайди.
- ПОЛШАДА чекишга қарши кураш қўмитасининг ташаббуси билан қўпгина мажлис ва кенгашларда чекиш ман этилди. Бунақа тадбир қўлланилган жойларда мажлислар сони қарийб учдан бирга, йиғилишнинг давом этиш вақти эса 40 фоизга камайди.
- ЖАМИ эркакларнинг тўртдан уч қисми банги бўлган Англияда қўлидан ҳеч қачон сигарета ёки муштук тушмайдиган бдаммнинг хаттоки ити ҳам ракка чалингани қайд қилинган. Чекиб ташланган ҳар бир дона сигарета инсон умрини тахминан 5,5 дақиқага қисқартирар экан.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан ҳабар қилишларига қараганда, 13-17 июнь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво мўътадил келади. Айрим тоғли туманларда қиска муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 14-19, кундуз кунлари 28-33 даража иссиқ бўлади.

КЎЧА СУПУРИШ АЙБМИ?

Сиз нима дейсиз?

"Дом" дегани қизиқ бўларкан. Туппа-тузук ҳовли торлик қилиб, шу баланд қаватли уйга кўчиб келдиг-у, маҳаллада кўрмаганим кўп ҳангомаларга шу мавзуда гувоҳи бўла бошладим. Мени ажаблантирган нарса бу уйларнинг йўлакларигача фаррошлар супуриб сидиришади ва бу ҳеч кимнинг парвойига ҳам келмайди. Гўё қадимдан ўзбеклар эшиги остонасини давлат маошини олиб ишлайдиганлар супургандек. Секин-аста бунга ҳам кўникдим. Аммо, яқинда бир воқеа иштирокчиси бўлиб қолдим-у, бу масалага яна бошқачароқ қарай бошладим. Келинг, яхшиси, бир чеккадан ҳикоя қилиб бера бошлай...

Олийгоҳга кириш имтиҳонлари баҳона беш дугона бирга тайёрланишга аҳд қилдик. Тонг ёришар-ёришмас, бир-биримизни чақирамиз-у, галма-галдан дугоналардан бирининг уйида тест жавобларини топишга уринамиз. Ўша куни ҳам одатдагидек эрта туриб, тест саволлари битилган ахборотномалар-у, машқ дафтарларимни олганча кўчага отландим. Ким эрта туришга пойга ўйнагандек, Феруза ва Гулчеҳралар ҳам кўчага чиқиб улгуришган экан. Кўришиб, ҳазил-ҳузул қилишганча, Сарвинозлар уйи томон йўл олдик. Уни ҳам чақиргач, ҳаммамиз Дилафрўзникига боришимиз керак. Чунки, бу гал ўша ерда тўпланишга ахдлашганмиз.

Сарвинозларнинг уйи олдига ҳам келдик. Аммо, у кўринмасди. Феруза "ҳозир чақириб тушаман" деганча ичкари кириб кетди. Яхшиямки, лифт деган нарса бор, бўлмаса, тўққизинчи қаватга чиқиб-тушишнинг ўзи бўладими? Феруза бироз ҳаяллади-ю, биз йўлак олдидаги ўриндиққа ўтирдик.

— Бекор ўтиргандан кўра, бекор ишла, — деди Гулчеҳра карнай қилиб ўралган қоғоз тўла пистани менга узатарқан. — Кеча шунақа шўппайиб ўтиришимизни билгандек, олиб қўйгандим, асқотадиган бўлди.

Бир чимдим олиб, эрмак қилишга тутиндим. Соат беш яримдан ошаяпти, Дилафрўз ҳам кутиб қолгандир.

— Эх-ҳа, тушунарли, — яна тилга кирди Гулчеҳра. — Сарвининг нега дараги йўқ десам, синглиси ухлаб қолган, шекилли...

Ҳайрон бўлиб, дугонамга қарадим.

— Кўрмаяпсанми, ахир Дилий ҳар доим уйи олдини кўча супурувчилардан олдин супуриб, сув сепиб қўярди. Бугун уборшисани ўзи супураяпти...

Гулчеҳра нима демоқчи бўлганини энди англадим. Чиндан ҳам Сарвинознинг синглиси Дилнавоз ҳар куни бешда кўча супурарди. Ҳозир эса, бу ерни фаррош опоқи супураётганди. Гулчеҳранинг синчковлигига муносабат билдириб улгурмадим. Йўлак эшигида олдинма-кейин Феруза ҳамда супурги ва челак кўтарган Дилнавоз кўринди.

Дилнавоз биз билан кўришган бўлди ва ийманиб:

— Ухлаб қолибмиз, Сарвиноз опам ҳозир тушадилар, — деди-ю фаррошга юзланди:

— Вой, опоқи, ассаломалайкум. Мени уялтирманг, қўяверинг, ўзим супураман.

— Қизим, умрингдан барака топ. Бир гал супурсам, супурибманда. Сен қизлар билан бемалол гаплашавер.

— Йўқ, қўйинг, хафа бўламан...

Дилнавоз шошиб, супуришга тушди. Беихтиёр бу манзарани кузатиб турганимизда, яна Гулчеҳра сўз қотди:

— Сарвини синглиси жа-а оширворади-де. Эрталабдан зарил што-ли? Уборшисани вазифаси бўлгандан кейин ўзи супуравермайдими!

Гулчеҳранинг қўлидаги пистадан чимдиб олаётган Феруза гапга қўшилди:

— Шуни айт. Каллайи саҳарлаб кўча супурса, унга ҳайкал қўйишармиди?!

— Қиртишлаб супуришини қара бу чистуляни, — деди Гулчеҳра ва пиқ этиб кулди-ю Дилнавозга сўз отди. — Дилий, биз ташлаётган писта пўчоқлар қолиб кетмасин...

Бу орада эшикдан чиқиб келаётган Сарвиноз кўринди-ю, баримиз ўрнимиздан қўзғалдик. Дугонамиз билан кўришиш ҳам насия бўлиб, Гулчеҳра яна гапга тутинди:

— Сарви, Дилий нега ҳар куни каллайи саҳарлаб кўча супуради?

— Ким билади, дейсан, — уйқу ширасси тарк этмаган овозда жавоб қилди Сарвиноз. — Адам "покиза қизим, саришта қизим, озода қизим" деб мақтаганлари сари, кўчада ҳам, уйда ҳам супуради-сидиради, ювиб-тарайди...

— Нияти сендан олдин турмушга чиқиш эмасми, ишқилиб, — хохолади Феруза.

— Э, гап бошқа ёқда, — қув кўзларини сузиб гапни илди Гулчеҳра. — Катта бўлса, манави кампирга ўхшаб уборшиса бўлишни орзу қилса керак...

Сарвиноз: "Э, қўйсаларингчи" дея, қўл силтади. Мен эса, фаррош опоқи ёки Дилнавоз кўзига кўзим тушиб қолишидан чўчиб, ортга қайрилиб қарашга ҳам ботинолмасдим.

Наҳотки, эрта тонгдан кўча супуриш, кекса фаррош аёлга кўмаклашиш шунчалар маломатли иш бўлса? Умуман, бизни қулдираман деб, ўйламай-нетмай бувимиз тенги кекса аёл, ҳамда хайрли иш қилаётган қиз шаънига бемаъни, ҳақоратомуз гаплар қилаётган дугоналарим ҳаттиҳаракатларига қандай баҳо бериш мумкин? Уларга бир нарса деб дашном беришга юрагим бетламади — андиша қилдим.

Аммо, энди ўша куни индамай кетиб тўғри иш қилдимми деган савол мени қийнаяпти...

Шоира АБДУШОҲИДОВА.

Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси Ўзбекистон Республикаси мулк биржаси бошқаруви раисининг биринчи муовини Муҳаммадсобир Қодировга падарибузруквори

СОЛИЖОН ОТАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қибрай туман ҳокимлиги жамоаси Туроб Нормуҳамедов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Султоновга ўғли

МУРОДЖОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қибрай тумани ҳокимлиги жамоаси туман ҳокими М. Куччиевга акаси

Нурхон КУЧЧИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-083. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ. Адади 12.208 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –18.30. 1 2 3 4 5 6